Тошкент ҳақиқати

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА. | СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. | 1992 йил 19 сентябрь • шанба
№ 134 (10.383). Баҳоси 2 сўм.

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

17 сентябрь куни Тошкентга мусулмон шиалар имоми Оғахон жаноблари келди. У ҳеч қандай динга боғлиқ бўлмаган ва асосан Осиё ва Африка мамлакатларида хайр-саховат фаолияти орқали одамларнинг фаровонлигини оширишга кўмаклашиши лозим бўлган ташкилот — Оғахон жамғармасининг асосчиси ва раҳбаридир.

Оғахон жаноблари унинг жамғармаси ўтказадиган меъморлар анжуманида қатнашиш ҳамда жамғарма ҳомийлигида ўтказилган меъморлар танлови ғолибларига мукофотларни топшириш учун Ўзбекистонга келди.

Аэропортда Оғахонни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов кутиб олди. У ҳурматли меҳмонни самимий табриклаб, унга ва у раҳбарлик қилаётган ташкилотга одамларнинг бахт-саодати йўлидаги олижаноб фаолиятида катта ютуқлар тилади.

Шу куни жаноб Оғахон Самарқандга жўнаб кетди, у ерда меъморлар анжумани ўтказилади ва танлов ғолибларига мукофотлар топширилади.

(ЎзА).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Шу йилнинг 24 мартида Республика Президентининг Фармони билан қишлоқ хўжалик соҳасида фидокорлик кўрсатганлардан бир гуруҳи турли мукофотлар билан тақдирланган эдилар. Куни кеча вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев ана шу мукофотларни топширди.

—Сизларнинг меҳнатингиз муносиб тақдирланганидан беҳад хурсандман ва чин дилдан табриклайман,— деди у.— Президентимиз раҳбарлигида республикада қарор топган тинчлик, хотиржамлик туфайли шундай қувончли дамларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ўзбекистон ҳукуматининг халқ манфаатини кўзлаган сиёсатини вилоятимиз аҳолиси якдиллик билан қўллаб-қувватлайверади. Айни пайтда бутун фаолиятимизни, вилоятда тинчликни сақлаш, далаларда етиштирилган ҳосилни несобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратишимиз зарур бўлади.

«Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор» каби шарафли унвонга эга бўлган 90 нафарга яқин мукофотланганлар орасида фахрийлар ҳам анчагина. Улардан бири Бекобод районидаги Навоий номли колхоз пахтачилик участкаси бошлиғи Ҳайитбой Сайдинов шундай деди:

Вилоят ҳокимлигида

— Менга топширилаётган Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи қалбимни шодликка тўлдирди. Айни пайтда мукофот янада кўпроқ шижоат билан ишлаб мустақил Ўзбекистонимиз бойлигига бойлик қўшишга даъват этмоқда. Участкамизда 370 гектар пахта майдони бор. Унинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан ҳосил топширамиз. Далаларимизда пахта мўл. Уни нес-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш режаларини белгиладик. Мукофотни меҳнатимиз билан оқлашга интиламиз.

Худди шундай илиқ сўзларни Бўстонлиқ районидаги «Қораманас» қишлоқ кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Қорабой Мўлдабоев, Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз бригада бошлиғи Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор Абдурашид Раззоқов, Вилоят колхоз қурилиши трести Қибрай тармоғининг дурадгори, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Пўлат Мирраҳимов ва бошқалар ҳам баён этиб, республика ҳукуматига, вилоят ҳокимлигига миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Мукофотланганлар вилоят ҳаётида масъул босқич — пахта йиғим-терими мавсумида яна ҳам ғайрат билан ишлаб республиканинг катта хирмонига баракали улуш қўшишга ваъда бердилар.

Ўзбекистон Президенти Венага жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 18 сентябрь куни эрта тонгда Тошкентдан Австрия Республикасининг пойтахти — Вена шаҳрига жўнаб кетди. Амалий ташриф уч кун давом этади.

Европанинг марказида жойлашган ва Европа давлатлари ҳамжамиятида муҳим ўрин тутган бу мамлакатда мустақил Ўзбекистоннинг раҳбарини катта ишлар кутмоқда. Ташриф режасига жуда кўп тадбирлар киритилган.

Ислом Каримовнинг Австрия федерал канцлери Ф. Враницкий ҳамда Австрия Республикасининг федерал Президенти Т. Клестиль билан учрашув ва суҳбатларида Марказий Европадаги, Ўрта Шарқдаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги, Австрия ва Ўзбекистондаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олиш кўзда тутилган. И. Каримов ва Ф. Враницкий биргаликда журналистлар билан учрашадилар.

Ташриф чоғида Австрия Республикаси парламентига бориш, миллат мажлисининг раиси Х. Фишер ва парламентнинг бошқа раҳбарлари билан суҳбат ўтказиш назарда тутилган. Австрия федерал идораси биносида Австрия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан Австрия Республикасининг бир қанча вазирликлари раҳбарлари билан кенгайтирилган таркибда музокаралар бўлиб ўтади. Шу ернинг ўзида икки томонлама Ўзбекистон — Австрия ҳужжатлари имзоланади.

Австрияда бўлиш режалари тиғизлигига қарамай, Президент «Филипс» компанияси корхонасига бориб электрон аппаратлар ишлаб чиқариш линиясини кўздан кечиради, компания раҳбарлари билан учрашади. Дориштайн ва Мельк шаҳарларига бориш, шу шаҳарларнинг ҳокимлари билан суҳбатлашиш ҳам кўзда тутилган.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН—ХАЛҚАРО ГЕОЛОГИЯ ИТТИФОҚИГА АЪЗО БЎЛДИ

Японияннинг Киото шаҳрида ўтказилган 29-халқаро геология конгрессининг 9-сессиясида республикамиз жаҳоннинг ана шу нуфузли иттифоқига аъзо бўлди.

— Дунёнинг 95 мамлакати кирган мазкур иттифоққа Ўзбекистоннинг Ҳамдўстликдаги республикалар орасида биринчилар қатори аъзо бўлгани бежиз эмас, — дейди конгресс иштирокчиси, республика геология ва минерал ресурслар давлат комитетининг раиси Тўлқин Шоёқубов. — Шуни айтиш керакки, республикамиз геологияси олтмишинчи йилларнинг бошида ёқ академик Ҳабиб Абдуллаев ташаббуси билан дунё миқёсига чиқа бошлаган эди. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин жаҳон олимларининг ўлкамиз табиатига, унинг бой геологик имкониятларини илмий жиҳатдан ўрганишга қизиқиши орта бошлади. Анжуманда табиий муаммолар, хусусан, Орол денгизи ва шу минтақадаги экологик аҳвол, қазилма бойликларидан тўғри фойдаланиш масалалари ҳақида фикр алмашдик.

Эндиликда геология фанимиз олдида янги уфқлар очилмоқда. Масалан, мутахассисларимиз халқаро дастурларга киритилган ер ости ва усти бойликларини биргаликда ўрганиш, замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, моддий таъминот ва малакали ходимларни тайёрлаш масалаларида жаҳон олимлари билан ҳамкорлик қиладилар. Яна бир муҳим томони шуки, халқаро иттифоққа аъзо мамлакатлар жаҳон геология ахборотларига эга бўладилар, уларга минерал хом ашёларни топиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи бошқа халқаро жамиятларга аъзо бўлишда енгиллик берилади.

(ЎзА).

Тожикистонлик биродарларимизга!

Бисмиллоҳир Роҳмонир роҳийм!

Биз ушбу ила қардош Тожикистон мусулмонларига мурожаат қилар эканмиз, шу кунларда Ўзбекистон мусулмонларининг қўшни жумҳуриятда рўй бераётган қонли воқеаларга нисбатан қаттиқ ташвиш билдираётганларини эътиборга олмай туролмаймиз. Дарҳақиқат, диёримиздаги ҳеч бир мусулмон бу нохуш воқеаларга бефарқ бўлолмайди. Қуръони каримда ҳам бир кишини ноҳақ ўлдириш бутун жаҳон аҳлини ноҳақ ўлдириш билан баробар деб айтилганки, одамлар қонини тўкиш бир кишини ноҳақдан ўлдиришдан бошланади.

Тожикистондаги қонли воқеалар айни шу хилдаги нотинчликдан бошланди. Афсуски, ўз вақтида тўхтатилмаган бу бедодликлар тобора кенгайиб, юзлаб-минглаб кишиларни — бегуноҳ гўдаклар, аёллар ва кексаларни ўз домига тортмоқда. Ўзини мусулмон деб билган ҳар бир киши борки, бу хунрезликларга томошабин бўлиб туриши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ҳадиси шарифда: «Қайсингиз бирон воқобил ишни кўрсангиз, дарҳол қўлингиз билан тўхтатинг ёки тилингиз билан, ёки дилингиз билан тўхтатинг, лекин бу охиргиси иймонингиз заифлашганда бўлади», дейилган. Шу боис мусулмонлар ўз иймонларининг заифлашувигача бормай, Тожикистондаги можарони тўхтатмоқлари зарур.

Бу тил ва дил нидосини Тожикистондаги диний арбоблар ҳам биладилар. У ерда халқ ҳурматига сазовор бўлган донишманд уламолар борки, уларнинг бу можарони тўхтатиш учун ҳадлари сиғади.

Биз улар ўзларининг тарафкашлик туйғуларини тийиб, халқ учун, Оллоҳ учун белларига ҳиммат камарини боғлайдилар, айрим жанггу жадал тарафдорларини ўз насиҳатларига юргиза оладилар деб ишонамиз. Ўртадаги низоли масалаларни тинч йўл билан тезроқ ҳал қилиш имконияти мавжуд. Қуръони каримдаги «Агар икки тоифа мусулмон ўртасида жанг чиқса, уларни яраштиринг» деган ҳикматли чақириққа амал қилиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, энг аввало, уламоларнинг вазифаси эканини барча мусулмонлар яхши англайдилар. Тожикистонда обрў қозонган эшонларимиз ва уларнинг муридлари халқ ичида тинчлик ва осойишталик ўрнатишни ўзларининг асосий вазифалари деб билишлари ҳам фарз, ҳам вожибдур. Бизнинг аждодларимиз орасида яшаган уламолар айни шундай оғир пайтларда халқнинг дардига малҳам бўлганлар. Бунга Хўжа Аҳмад Яссавий, Заанги ота, Хўжа Баҳоуддин Нақшбандий ва Хўжа Аҳрор Валиларнинг фаолиятлари ёрқин мисол бўла оладики, улар неча марталаб низоларни тўхтатиб, Оллоҳ наздида авлиёлик даражасига етдилар ва, аксинча — мусулмонлар орасида фитна ва ҳасад қўзғатган шахслар Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлдилар.

Барча мусулмонлар шу кунларда Оллоҳ олдида шундай оғир синовда турибдиларки, агар Тожикистондаги қонли воқеалар бартараф этилса, қўшни республикаларда бундан буёнги тинчлик ва осойишталикка ҳам мустаҳкам пойдевор қурилган бўлади. Халқимиз ўз келажаги ва фарзандлари келажаги учун шундай осойишталикка муҳтождир. Шунинг учун Қуръони карим даъватларига амал қилиб, қардош ва қондош Тожикистон жумҳуриятидаги уламо ва фузалони муқаддас видога ҳамовоз бўлиб, можаронг тез фурсатда тўхтатишга ҳисса қўшишларини илтимос қиламиз, шундай қилсалар, Оллоҳи таоло олдида барчамизнинг юзимиз ёруғ ва унинг солиҳ бандаларидан бўламиз. Олоҳи таоло ҳаммамизнинг бу борада қилган савоб ишларимизга ажри азим ато айлагай. **Омин ё раббил оламин.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар комитети.

ШАРОФ РАШИДОВ ЖАМҒАРМАСИ КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ш. Р. РАШИДОВ 75 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КУРИШ ВА УНИ УТКАЗИШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ УРИНБОСАРИ И. Ҳ. ЖУРАБЕКОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Исмоил Ҳакимович, ўзбек халқининг атоқли фарзандларидан бири, таниқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги санасига оз вақт қоляпти. Республика шаҳар ва қишлоқларининг жуда кўп меҳнат коллективлари, маданият муассасалари юбилейга қизғин тайёргарлик кўряптилар. Сиз бошчилик қилаётган юбилейни ўтказиш ташкилий комиссиясининг ишлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ш. Рашидов юбилейини ўтказиш тўғрисидаги қароридан сўнг тузилган ташкилий комиссия мажлисларида бажариладиган ишлар режаси, вилоятларда ўтказиладиган тадбирлар муддатлари, Ш. Рашидовнинг музейини ташкил қилиш ва номини абадийлаштириш, унинг асарларини ва шунингдек, бу буюк инсон ҳақидаги хотира китобини чоп этиш, бошқа бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Дастлабки мажлисдаёқ Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш хусусида комиссия аъзоларининг Очиқ хати эълон қилинди.

Шароф Рашидов ўз ижтимоий-сиёсий фаолияти давомида республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва районларини ривожлантириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилган. Комиссия номига деярли барча шаҳар ва районлардан мактублар, шошилинч хабарномалар келиб турибди. Уларда айтилган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар комиссия белгилаётган тадбирлар мазмунини кенгайтирмоқда. Меҳнаткашларнинг фикрлари асосида аниқ ишлар режалаштирилдики, булар, менинг назаримда, бутун ўзбек халқи хоҳиш-иродасини ифодалайди. Масалан, музей ташкил этиш, айрим жойлар, тузилмаларга Ш. Рашидов номини бериш, унинг номидаги жамғарма фондини ташкил этиш ишлари айнан меҳнатқашларнинг таклиф ва ташаббуслари асосида амалга оширилмоқда.

— Айни шу кунларда Шароф Рашидович билан ёнма-ён ишлаган, уни яқиндан билган кишиларнинг фикрларини эшитиш ғоят муҳим. Исмоил Ҳакимович, сиз узоқ йиллардан бери республика халқ хўжалиги раҳбариятида меҳнат қиляпсиз, сизнинг бевосита иштирокингизда қатор-қатор йирик тадбирлар амалга оширилган ва оширилляпти. Ш. Рашидов билан қандай ҳамкорлик қилганингиз ҳақида икки оғиз айтиб беролмайсизми!

— Дарвоқе мен Ш. Рашидов раҳбарлик қилган даврда шаклланган ходимлардан бириман. Лекин сиз берган саволга икки оғиз гап билан жавоб бериш мушкул вазифа. Шароф Рашидов нафақат Ўзбекистон ёки Ўрта Осиё, балки бутун Шарққа танилган арбоб эди. Бу ҳақда кўп марта айтилган, ёзилган, юксак минбарларда туриб тан олинган.

Афсуски, 80-йиллар қатағон даврида жонажон Ўзбекистонимизга, унинг халқи шаънига қаратилган қора тошларнинг кўпи Шароф Рашидовга қарши мўлжаллаб отилди. Марказдан юборилган гдлянлар, ивановлар қолиб ўз ичимиздан чиққан сотқинлар ҳам Шароф Рашидов номини булғашга ҳаракат қилдилар. Собиқ Иттифоқ олий раҳбарияти номидан келиб республикада қайта қуришни амалга оширмоқчи бўлганлар ўзбек халқини маънавий жиҳатдан эзишни халқ отасига қарши хуружлар қилишдан бошладилар. Чунки отаси қораланган фарзандлар боши эгилиб қолишини шундай ишларнинг «режиссёрлари» яхши билишади. Таъссуфки, бундай оддий ҳақиқатни катта кабинетларда ўтирадиган анчагина раҳбар ходимларимиз ўз пайтида тушуниб етмадилар. Оқибатда Ш. Рашидов номига қарши қилинган ноҳақ ҳаракатлар аста-секин унинг шогирдларига, ва қолаверса, республика туб халқига қаратила бошлади.

Тўғри, беайб — парвардигор, дейдилар. Лекин шахсга баҳо берганда, айниқса раҳнамо даражасидаги кишига баҳо берганда унинг даври шарт-шароитларини, айни шу даврда у амалга оширган аниқ ижобий ишларни ҳам биринчи навбатда ҳисобга олиш лозим эмасми? Шароф Рашидов амалга оширган ишлар бисёру бекиёс. Мен ўз фаолиятим доирасига яқин бўлган тармоқлардаги ўзгаришлар ҳақида айтишим мумкин. Ш. Рашидов республикага раҳбарлик қилган чорак аср давомида жумҳурият харитасида ўнлаб шаҳарлар, районлар, сув хўжалиги йирик иншоотлари, кўпдан-кўп йўллар пайдо бўлди-ку. Тошкент шаҳрида бунёд қилинган ер ости қасри — метрополитен, замонавий саноат корхоналари, уй-жойлар қурилишида, кўркам Халқлар дўстлиги саройи яратилишида у кишининг жуда катта улуши бор. Ана шу сарой пойдевори остида ҳам Ш. Рашидов қўли билан битилган авлодларга мактуб сақланмоқда.

Ҳозирда аср дардига айланган Орол тақдири Шароф Рашидовични тинмай безовта қилганини биламан. Айнан унинг саъй-ҳаракатлари, бошқаларни ишонтириш маҳорати туфайли ҳамиша ҳам Ўрта Осиё гуллаб-яшнашини истамайдиган марказ Сибирь дарёларини Оролга оқизиш лойиҳасига рози бўлган эди. Юзлаб илмий-тадқиқот ташкилотлари ишлаб чиққан лойиҳа унинг ҳимоячиси оламдан ўтиб номига қора бўёқ чапланганидан кейин бир пасда гумдон қилинди. Лойиҳани ишлашга кетган миллиардлар орасида ўзбек халқининг ҳам мисқоллаб йиғган маблағлари ҳам бор эди. Эссиз!..

Халқимизнинг бахти бор экан. Мустақиллик шарафига муяссар бўлдик. Ш. Рашидов номига қилинган асоссиз бўҳтонларга кескин зарба берилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ш. Рашидов ҳақида ҳақиқатни айтди. Ислом Абдуғаниевич айни пайтда Шароф Рашидовга шахсий садоқатни эмас, балки халқимизнинг Шароф Рашидовга бўлган самимий муносабатини ифодалади. Халқимизга яна бир ҳақиқат рўйрост маълумки, Шароф Рашидов ҳаёт пайтида бирон марта ўзининг юбилейини ўтказишга ижозат этмаган эди. Бошқаларнинг муҳим ҳаётий саналари, ҳатто туғилган кунларини муносиб нишонлашга интилган Шароф Рашидов ўз шахсини сира ўзи юқори кўтаришга интилмаган. Биз бугал атоқли ватанпарвар, камтарин инсоннинг руҳи олдида таъзим қилиб, ўтмай қолган юбилейларини ҳам ҳисобга олиб иш қилишимиз даркор. Шундай экан, халқ иродасига қулоқ солиб, Шароф Рашидовнинг 75 йиллик тўйини умумхалқ тўйига айлантирайлик. Одамларимиз яхшиликлар, эзгуликлар эртами-кечми ғалаба қозонишига, адолатсизлик ва ноҳақлик чекинишига яна бир бор ишонсинлар.

— Комиссия мажлисларидан бирида Шароф Рашидов номли жамғарма тузилганлиги, унинг Низоми маъқулланганлиги хабар қилинган эди. Жамғарманинг мақсад ва вазифалари ҳақида мухтарийларга маълумот бера оласизми!

— Аслида табаррук инсон номи билан жамғарма ташкил қилиш ташаббуси туғилганига анча бўлган эди. Майли, ҳақ ишнинг кечи йўқ, дейдилар. Жамоат ташкилоти сифатида ишлайдиган Шароф Рашидов номли жамғарма тузилди ва унинг Низоми республика Адлия вазирлигида қонуний рўйхатдан ўтди.

Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари Ўзбекистонда илму маърифатни ривожлантириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларимизни тиклаш, иқтидорли ёшлар ва маданият арбобларига ғамхўрлик кўрсатиш билан боғлиқ. Чунончи, истеъдодли ёшларни тарбиялаш ва рағбатлантириш, фан-техника, маданиятни тараққий эттириш, табиатни муҳофаза этиш, тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, шу мақсадларда замонбоп корхоналар, ижодий ишлаб чиқариш фирмалари ташкил қилиб улардан тушган фойда ҳисобига ёшларни ўқитиш, уларга моддий ёрдам бериш, республикада фан-техника, маданиятни ривожлантириш, илғор технологияларни ва жаҳон илмий ютуқларини жорий этиш, илмий, маданий, адабий меросни ўрганишни ташкил қилиш кўзда тутилган.

Жамғарма Низомида Ўзбекистон тараққиётига катта улуш қўшган атоқли давлат арбоблари, фан, техника, адабиёт ва санъат ходимларининг хотираларини абадийлаштириш, уларнинг номларидаги мукофотларни таъсис этиш белгиланган. Жамғарма иқтидорли йигит-қизларни жаҳоний билим олишлари учун чет элларга юборади. Талабалар учун махсус стипендиялар белгилайди. Шунингдек, замонавий ўқув юртлари очади. Спорт ва саёҳатни ривожлантириш, олимларнинг, ёш талантларнинг асарларини чоп этиш ва тарғибот қилиш мақсадида ноширлик фаолияти билан шуғулланиш ҳам жамғарма вазифалари сирасига киради. Хуллас, Ш. Рашидов номли жамғарма Ўзбекистон тараққиёти ва мустақиллигини таъминлаш учун курашадиган барча ташкилотларга, корхоналарга ва фуқароларга яқиндан ёрдам беради.

Жамғарма давлат ва ҳукуматдан холи бўлиб, унга жамғарма Низомини тан оладиган жамоалар, хорижий жамоалар, турли бирлашма, меҳнат коллективлари ва айрим шахслар аъзо бўлиб кира оладилар, жамғарма асосан жамоатчилик асосида бошқарилади. Жамғарма Ш. Рашидов ҳаётлик пайтида бошланган, асарларида олға сурган саховатли ишларни амалга оширади. Халқимизга хос бўлган илмий-маърифий ишларни Ш. Рашидов номи билан амалга оширади.

Шуниси қувончлики, жамғарма очилиши ҳақида хабар қилиниши биланоқ унга кетмакет маблағлар туша бошлади. Бу ҳақда комиссия номига Ш. Рашидов ўз пайтида бир неча йил муҳаррир бўлиб ишлаган «Ўзбекистон овози» редакциясига, республика ҳукумати номига хат-хабарлар кела бошлади. Айниқса Шароф Рашидов қадами етиб пайдо бўлган шаҳар ва районлар, бевосита унинг аралашуви билан қад ростлаган саноат корхоналари, кўпдан-кўп хўжаликлар жамғармага бажонидил маблағ ўтказаётирлар. Ш. Рашидов жамғармасига ҳисса қўшиш уни яқиндан таниган, билган кишилар, унинг саховати билан пешонаси ярқираган шогирдлари, ихлос қўйган барча кишилар учун муқаддас иш бўлиб қолиши керак.

Ўз мустақиллигининг иккинчи йилига дадил қадам қўйган республикамиз халқи ўз фарзандларини ҳамиша муносиб қадрлаши ва ардоқлаши керак. Бу фазилат халқимиз қон-қонига сингиб кетган. Шундай адолатли кунлар келганда марҳум устозлар, алломалар хотирасини ўрнига қўйиб эслаш ҳар биримизнинг олийжаноб бурчимиздир. Республикани чорак аср бошқарган, айни пайтда туғма истеъдоди билан ижодиётга ҳам вақт топган ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидов шундай ардоқларга муносиб инсон. Моҳир ташкилотчи, ўта камтар, камсуқум шахс бўлган Шароф Рашидов руҳи олдида биз, унинг замондошлари ҳали анча қарздормиз.

Суҳбатдош:
А. АБДУБАННОПОВ.

Эслатиб ўтамиз: Шароф Рашидов номли жамғарманинг банк ҳисоблари:

СЎМЛАР УЧУН — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар операция бошқармасининг Ҳисоб-китоб марказида ҳисоб рақами—000700825, код рақами 172682116;

ВАЛЮТА УЧУН — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида Шароф Рашидов номли жамғарманинг ҳисоб рақами — 97380090/001.

(«Ўзбекистон овози» газетасининг 17 сентябрь, 1992 йил сонидан).







ҚУЙИЧИРЧИҚ районининг «Огонёк» номли давлат хўжалиги маъмурияти кексаларга иззат-икром кўрсатиш борасида яна бир амалий ишга қўл урдилар. Бу ерда шинам ва замонавий чойхона очилиб, отахонлар ихтиёрига топширилди. Суратларда чойхонанинг очилиш маросими, ёзги ошхона ва умумий кўриниши тасвирланган.

В. ХАРИТОНОВ олган суратлар.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

Табиат ва инсон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

№ 303 1992 йил 29 июнь, Тошкент шаҳри.

«ТАБИИЙ МУҲИТГА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАРНИ НОРМАДАГИДАН КЎП ЧИҚАРГАНЛИК (ТАШЛАГАНЛИК) ВА ЧИҚИТЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРГАНЛИК УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»

Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий услубларига ўтиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни нормадагидан кўп чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун ҳақ тўлашни 1992 йил 1-июлдан жорий қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия ва Адлия вазирликлари, Ўзбекистонни ривожлантириш истиқболларини олдиндан тахминлаш қўмитаси билан келишилган таклифи қабул қилинсин.

2. Табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун ҳақ тўлашнинг вақтли нормалари, шунингдек уларни қўллашнинг 1, 2, 3, 4-иловаларга биноан тартиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасига ҳақ тўлаш нормаларини ва уларни қўллаш тартибини такомиллаштириш юзасидан тегишли ишларни бажариш топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош Вазири А. МУТАЛОВ.

(Ушбу Қарор иловалари рўзноманинг 4—5-саҳифаларида берилмоқда).



КУЗ фаслида олма кўп бўлади. Кўпчилигимиз унинг шифобахш хусусиятларидан фойдаланишни билмаймиз, умуман бу ажойиб меванинг қадрига етмаймиз. Ваҳоланки, у инсон саломатлиги учун жуда асқотадиган хусусиятларга эга. Биология фанлари номзоди, шифобахш ўсимликлар билан даволаш тўғрисидаги жуда кўп китоблар муаллифи В. Городинскаянинг тавсиялари билан қуйида танишсангиз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

ОЛМАДА ҲИКМАТ КЎП

Олманинг шифобахш хусусиятлари жуда кўп бўлиб, уларнинг ҳаммасини санаб ўтиш қийин. Унинг энг муҳим хусусиятлари ҳақида гап кетгудек бўлса, аввало, микробларга, гижжаларга, шамоллашга қарши эканлигини, қонни кўпайтириши мумкинлиги каби муҳим ҳислатларини алоҳида қайд қилиш лозим. «Антоновка» навли олмани 1 сентябрда терилганлари 15 сентябрда узиб олинганларига нисбатан анча шифобахшроқ бўлади. Халқ табобатидан маълумки, кўк олма (айниқса «пепин») ошқозоннинг ўтиб кетган катар касаллигига ҳам шифобахш таъсир қилиб, тузатади (тозаланган олма қирғичдан ўтказилади шу заҳоти истеъмол қилинади, акс ҳолда тез ачийди ва қорайиб кетади).

Овқатни ҳазм қилиш жараёни суст давом этадиган ошқозон-ичак бузилишлари, сувчечак, склероз, подагра (қўл-оёқлар бўғинларининг зирқираб оғриши), ревматизм, камқонлик, гипертония, бош оғриши, бош айланиши, бошнинг ғувуллаши каби касалликлари билан оғриганлар учун ҳам олма жуда фойдалидир. Куйганда, совуққа олдирилганда, узоқ вақт битмайдиган жарохатлар ва яраларни даволашда яхши қирғичдан ўтказилган олмадан фойдаланилади.

Аёллар кўкрагидаги ва умуман лаблардаги ёрилишлар, шилинишларни ҳам янги қирғичланган олмани сариқ ёғга қўшиб даволаш мумкин.

Шамоллаш, овознинг бўғилишини даволаш учун олма қоқиси димламаси (қоқи қайнаган сув) ишлатилади.

Гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг яраларини даволашда олманинг ширин навларини тановвул қилиш тавсия этилади.

** Эртага—ўрмон ходимлари куни*

БУ БОЙЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

ЎРМОН хўжалиги ходимлари эртага ўзларининг касб байрамларини нишонлайдилар. У биринчи марта Республикамиз мустақилликка эришган йилда байрам қилинмоқда. Шу боисдан хўжалигимиз ишчи ва хизматчилари ҳар қачонгидан ҳам фидокорона меҳнат қилишаяпти. Иш йил бошидан пухта тузилган режа асосида олиб бориляпти. Натижа ёмон бўлмади. Тўққиз ойга мўлжалланган ҳамма марра ортиғи билан эгалланмоқда. Айниқса, янги ўрмон ва боғлар барпо қилиш, уларга ишлов бериш, кўпайтириш, дарахтлар уруғларини тайёрлаш, мевали дарахт ниҳолларини пайванд қилишда муайян ютуқларга эришилди. Ўрмон хўжаликлари ўтган 70 йил давомида Иттифоқ давлати маблағи ҳисобида фаолият кўрсатиб келишган эди. Бутун аҳвол мутлақо бошқача. Республика бюджетидан маблағ кутиш бефойда. Хоҳлаймизми, йўқми хўжаликлар ишни юритиши керак.

Шу сабабли биз ўз режаларимизни тезлик билан қайтадан кўриб чиқдик ва уни бозор иқтисодиётини ҳисобга олиб янгича ташкил этдик. Хўжалик ўз маблағи ҳисобига ишлашини таъминлаш керак бўлиб қолди. Шу боисдан ўрмончиликда даромаднинг асоси ҳисобланган кўчатчиликни кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Бу йил 2,5 миллионтага яқин кўчат етиштирамиз. Шундан 0,5 миллион туп ҳар хил мевали дарахт кўчатлари бўлади. Ҳозир кўчатзорларимизда пайвандлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бугунга қадар 400 мингдан зиёд олма, ўрик, шафтоли, олхўри, бодом ва беҳи ниҳоллари энг яхши навларидан пайванд қилинди.

Республикамизда ёғочтахта каби қурилиш материалларини кўпайтиришга ҳам ҳисса қўшмоқчимиз. Биз ота-боболаримиз фойдаланиб келган, илгари минтақамизда асосий қурилиш материали ҳисобланган терак дарахтини тез етиладиган навларидан экишни ва уларнинг кўчатини етиштиришни йўлга қўйдик. Бу йил 600 минг туп ана шундай кўчатлардан етиштирамиз. Бундан ташқари, ўрмон хўжалигига қарашли ерларда 120 гектардан зиёд майдонда терак зорлар барпо қилдик. Мутахассисларимизнинг ҳисоб-китоблари бўйича бугунги кунда 700 кубометрдан зиёд терак ёғочи мавжуд. Уларни қирқиб эҳтиёжи бор оилаларга, хўжаликларга сотишимиз керак.

Кейинги икки-уч йил мобайнида яратилган боғларимиздан дастлабки ҳосилни териб олаяпмиз. Бугунга қадар 45 тоннага яқин олма, олхўри, шафтоли, ўрик мевалари териб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Бундан ташқари, дарахтлар ва кўчатлар қатор ораларига ҳар хил қишлоқ хўжалиги экинлари (сабзи, пиёз, картошка, помидор, ерёнғоқ, қовун-тарвуз ва ҳоказо) экишни ташкил қилдик. Булардан ҳам маълум миқдорда даромад қиляпмиз. Меҳнаткаш хўжалигимиз аъзоларини қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини келажакда тўлароқ таъминлаш мақсадида қўйчилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик фермаларини ташкил қилдик.

Бундан 30—40 йил илгари экилган ва ҳеч қандай мева бермайдиган дарахтзорлар, эндиликда улардан қурилиш материали ҳам чиқмайди, ўрнида мевали боғлар ташкил этмоқдамиз. Пискент, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Янгийўл, Оққўрғон районларидаги бўлимларимизда ҳозир ўша мевасиз дарахтлар ўрнида 56 гектар ўрикзор, 10 гектар олмазор, 20 гектар олхўризор, бодом ва шафтолизор, 18 гектар ёнғоқзор, 120 гектар теракзорлар барпо этилди.

Ўрмон чиқиндиларидан ҳар хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган саноат бўлими ҳам ишлаб турибди. Бу йил бир миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади. Асосан кароват, сўри, дала ҳовлилар учун стол, ўтиргич, супурги, эшик, дераза ромлари, кетмон, белкурак, теша, болта соплари, хонтахта, оштахта, сабзитахта ва шунга ўхшаш маҳсулотлар тайёрланяпти.

Аммо олдимизда катта муаммолар ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан техника, ёқилғи, минерал ўғитлар ва эҳтиёт қисмларнинг баҳоси осмонга чиқиб кетганлиги туфайли бу йил бирорта янги техника ёки эҳтиёт қисмлар ҳам олмадик. Мавжуд эскириб қолган машина ва тракторларни таъмирлаш, бирини иккинчисига ямаш билангина ишларимизни юритиб турибмиз. Бу ишимизнинг янада самарали бўлишига тўсқинлик қилмоқда.

Жамоамизда ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари билан ҳамманинг ҳурматини қозонаётган илғор ишчиларимиз, мутахассисларимиз борки, биз улар билан фахрланамиз. Эркин Мирзақулов, Карим Тешаев, Тоғай Исмоилов, Турғун Қосимов, Ўринбой Рихсибоев, Маҳкам Норқулов, Эргаш Мадаминовлар шундай мақтовга сазовордирлар. Биз байрамимиз билан мустақил давлатимиз яшил бойлигига бойлик қўшаётган барча ўрмончиларни табриклаймиз. Уларнинг ажойиб ҳосиятли ишларида улкан зафарлар тилаймиз.

Ф. ФАХРИДДИНОВ,
Тошкент ўрмон хўжалиги директори, Республикада хизмат кўрсатган ўрмончи.



БУРЧМУЛЛА ўрмон хўжалигининг қатор участкаларида тоғ ён бағирларини ўзлаштириб, поғона-поғона қилинган майдонларда турли хил боғлар ташкил этиш давом этмоқда. Ушбу сурат Обиҳаёт участкасида тоғ ён бағрини ёнғоқзорлар барпо этиш учун ўзлаштириш ишлари олиб борилаётган пайтда олинган.

И. ПОРТНОВ олган сурат.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июн 303-сонли қарорига 1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ҲАВО АТМОСФЕРАСИГА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР ЧИҚАРГАНЛИК УЧУН

ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ВАҚТЛИ НОРМАЛАРИ

Ифлослантирувчи моддалар номи	Атмосферага 1 тонна ифлослантирувчи зарарли моддаларни чиқарганлик учун тўланадиган ҳақ нормаси (сўм ҳисобида)
1	2
I. МУҚИМ ИФЛОСЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ	
Азотнинг иккиламчи оксиди	60
Азот оксиди	40
Акрилонитрил	80
Акролеин	80
Бензильдегид	60
Бензой алдегиди (бензилдегид)	160
Алюминий оксиди	60
Аммиак	60
Аммоний нитрати (Аммиак селитраси)	8
Аммоний сульфати	12
Аммоний хлориди	24
Аммофос	12
Малеин ангидриди (буғлар, аэрозоллар)	48
Олтингугурт ангидриди (олтингугуртли газ, олтингугуртнинг иккиламчи оксиди)	48
Сирка ангидриди	80
Фосфор ангидриди	48
Фтал ангидриди (буғлар, аэрозоллар)	24
Анилин	80
Ацетальдегид	240
Ацетон	6,86
Ацетилен	1,60
Ацетофенон	800
Барий карбонат ангидриди (барийга айлантириб ҳисобланганда)	600
Оқсил-минерал қўшимча (ОМҚ)	24000
Оқсил-витаминли аралашма концентрати оқсили (чанги)	2400
Бенз(а) пирен (3,4 бензпирен)	24000000
Кам олтингугуртли нефт бензини (углерода айлантириб ҳисобланганда)	1,60
Сланец бензини (углерода айлантириб ҳисобланганда)	48
Бензол	24
Гидролизланган лигниндан олинган биостимулятор	1,2
1,3-Бутадиен (дивинил)	2,4
Бутан	0,012
Бутилацетат	24
Ванадийнинг бешламчи оксиди	1200
Винилхлорид	480
Хлорли водород (хлорид кислотаси)	12
Цианид водород (цианид кислотаси)	240
Натрий вольфрамати (вольфрамга айлантириб ҳисобланганда)	24
Гексан	0,04
Карбонат кислотаси диамиди (карбамид, мочевина)	12
Диметиламин	480
2,4-Динитро-2-втор-бутилфенол (диносеб; гебутокс)	480
о-Дихлорбензол	80
Темир оксиди (темирга айлантириб ҳисобланганда)	60
Сланец кули	24
Кўмирда ишлайдиган иссиқлик электр станцияларининг кули (таркибида 35—40 фойиз кальций оксиди, 3 мкм. га қадар ва ундан паст даражада майда зарраларга ажралган ҳолда камида 97 фойиз)	120
Изопропил	2,1
Капролактам (буғлар, аэрозоллар)	40
Азот кислотаси	16
Бор кислотаси	120
Метакрил кислотаси	240
Сульфат кислотаси	24
Сирка кислотаси	40
0-Фосфор кислотаси	120
Кобальт металли, кобальт хлориди	2400
Кобальтли сульфат кислотаси (кобальтга айлантириб ҳисобланганда)	6000
0-Крезол	85,71
м,п-Крезол	120
Аморф кремний диоксиди (аэросид-175)	120
Ксилол	12
Магний оксиди	48
Магний хлорати	8
Электр станцияларининг мазут кули (ванайдийга айлантириб ҳисобланганда)	1200
Марганец, марганец оксиди ва бошқа бирикмалар (марганецнинг иккиламчи оксидига айлантириб ҳисоблаганда)	2400
Мис оксиди, хлорли мис (мисга айлантириб ҳисоблаганда)	1200
Мис олтингугурти мис сульфати ва мис хлориди, (мисга айлантириб ҳисобланганда)	2400
Метан	0,05
Метилацетат	34,29
Метилмеркаптан	266667
Акрил кислотасининг метил эфири (метилакрилат)	240
Молибденнинг иккиламчи сульфиди (молибденга айлантириб ҳисоблаганда)	24
Этиленгликолнинг монозобутил эфири (бутилцеллозоллар	8
Моноэтаноламин	240
Моноэтиламин	240
Маргимуш, маргимуш ангидриди ва бошқа ноорганик бирикмалар (маргимушга айлантириб ҳисоблаганда)	800
Натрий гидрооксиди (каустик сода, аччиқ натр)	240
Натрий карбонати (кальцийлаштирилган сода)	60
Натрий силикати (нордон кремнийли натрий)	8
Сульфат натрийси, сульфид, сульфид-сульфат тузлари	24
Триполифосфат натрийси	4,8
Никель, эрийдиган тузлар (никелга айлантириб ҳисоблаганда)	12000
Никель сульфати, никель оксиди (никелга айлантириб ҳисоблаганда)	2400
Нитробензол	300
Озон	80
Қалайнинг иккиламчи оксиди, сульфат оксиди (қалайга айлантириб ҳисоблаганда)	120
Қалай хлориди (қалайга айлантириб ҳисоблаганда)	48
Аммоний парамолибдати (молибденга айлантириб ҳисоблаганда)	24
Пентан	0,096
Пиридин	30
Алюминий силикатининг қуруми (модификация қилинмаган табиий целоидлар)	120
Аминопластлар қуруми	60
Фосфогипсли цементдан тайёрланган боғловчи гипс қуруми (ноорганик)	4,80
Суяк ва гўшт суяк унининг комбикормли чанги (оқсилга айлантириб ҳисоблаганда)	240
Мўйна (жун, момиқ)нинг чанги	80
Таркибида 70 фойиздан зиёдроқ кремнийнинг иккиламчи оксиди бўлган ноорганик чанг (динас ва бошқалар)	48
Таркибида 20 дан 70 фоизгача қадар кремний иккиламчи оксиди бўлган ноорганик чанг (шамот, цемент ва бошқалар)	24
Таркибида камида 20 фойиз кремний иккиламчи оксиди бўлган ноорганик чанг (доломит ва бошқалар)	16
Полиметилметакрилат чанги	24
Шиша толаси чанги, шиша пластикаси	40
Резоль туридаги фенольформальдегид елими чанги	60
Пахта чанги	48
Цемент ишлаб чиқариш корхонасининг чанги (таркибида 60 фойиздан кўпроқ кальций оксиди ва 20 фойиздан кўпроқ кремнийнинг иккиламчи оксиди бўлган)	120
А маркали ёғоч-спирт эритувчиси (ацетон-эфирли)	20
Э маркали ёғоч-спирт эритувчиси (ацетон-эфирли)	34,29
АМР-3 мебель эритувчиси	26,67
Симоб ва унинг бирикмалари	8000
Қурум	48
Қўрғошин, қўрғошин ацетати, қўрғошин оксиди ва қўрғошин тетраэтилидан ташқари олинган бошқа бирикмалар (қўрғошинга айлантириб ҳисоблаганда)	8000
Олтингугуртли қўрғошин (қўрғошинга айлантириб ҳисоблаганда)	1411,77
Оддий олтингугурт	34,29
Олтингугуртли водород	300
Олтингугуртли углерод «Лотос», «Ока», «Эра» туридаги синтетик ювиш воситалари	480
«Био-С» синтетик ювиш воситалари	80
Сольвент-нафта	240
Бутил, изобутил спирти	12
Изопропил спирти	24
Метил спирти	4
Тетрагидрофурил спирти	4
Фурил спирти	24
Этил спирти	240
Стирол	0,48
Тетрагидрофуран	1200
Тетрахлорэтилен (перхлорэтилен)	12
Қўрғошин тетраэтили	40
1,2,3-Тиадиазонил-5-1-фенилмочевина (дропп)	400000
Толуол	12
Трихлорэтилен	4
Триэтиламин	2,40
Уайт-спирит	17,14
Тўйинган C_{12}—C_{19} углеводородлар (РПК-265П эритувчиси ва бошқалар, жами органик углеродлар йиғиндисига айлантириб ҳисоблаганда)	2,40
Тўртхлорли углерод	3,43
Углерод оксиди	0,80
Иссиқлик электр станцияларининг кўмир кули (таркибида 35—40 фойиз кальций оксиди бўлган, дисперслилиги 3 мкмга қадар ва ундан ҳам пастроқ бўлса камида 97 процент)	120
Фенол	800
Сланецли феноллар	342,84
Формальдегид	800
Формамид	80
Газсимон фторлик бирикмалар (фторлик водород, фторга айлантириб ҳисоблаганда тўртламчи фторли кремний)	480
Яхши эрийдиган ноорганик фторли бирикмалар (натрий фториди)	240
Ёмон эрийдиган ноорганик фторли бирикмалар (алюминий фториди, кальций фториди, натрий гексафторалюминати)	80
Фуран	240
Фурфурол	48
Хлор	80
м-Хлоранилин	240
Хлорбензол	24
Олти валентли хром (хром оксидига айлантириб ҳисоблаганда)	1600
Уч валентли хром бирикмалари (Сч 3-га айлантириб ҳисоблаганда)	240
Циклогексан	1,1
Рух оксиди (рухга айлантириб ҳисоблаганда).	48
Рух стеарати (рухга айлантириб ҳисоблаганда)	480
Рух сульфати (рухга айлантириб ҳисоблаганда)	300
Эпихлоргидрин	12
Хлорли этил	12
Этилацетат	24
Этилен	0,80
Этилен оксиди	80
II. ИФЛОСЛАНИШНИНГ КЎЧМА МАНБАЛАРИ	
Азот оксидлари	21
Углерод оксиди	0,30
Кўрум (қора куя)	17
Олтингугурт гази	17
Углеводородлар	0,60

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қарорига биноан ифлослантирувчи моддалар рўйхатига тузатишлар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июн 303-сонли қарорига 2-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАГИ СУВ ИНШООТЛАРИГА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАРНИ ТАШЛАГАНЛИК УЧУН

ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ВАҚТЛИ НОРМАЛАРИ

Биркмаларнинг номи	Очиқ сув оқимларига 1 тонна ифлослантирувчи модда си бўлган сувни чиқариб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш нормаси (сўмлар ҳисобида)	
	Балиқ хўжалиги аҳамиятига эга	Хўжалик-ичимлик ва маданий-маиший аҳамиятига эга
1	2	3
Амоний азоти	1024	
Нитрит азоти	20000	
Нитрат азоти	44	
Аммиак (азот бўйича)	8000	200
Акрил кислотаси		800
Анилин	4000000	4000
Алюминий	40000	
Ацетон	8000	8000
Антмо (заҳарли химикат)	160000	
Ацетонитрил	560	
БПК (тўла)	132	
Бензол	800	800
Бериллий		2000000
Бутанол	13320	
Бутифос		1333200
Муаллақ моддалар (0,75 фонига нисбатан)	12	
Ванадий		4000
Вольфрам	500000	4000
Уч валентли висмут		800
Беш валентли висмут		4000
Иккиламчи этил эфири		1332
Иккиламчи метил формамиди	1600	
Техникавий ДДТ		4000
Темир (фонига кўра)		800
Кальций	2	2,2
Капролактам		400
Карбамид	5,2	
Кадмий	80000	4000
Ксилол		8000
Калий	8	
Карбофос		8000
Кислород	1600	100
Кобальт	40000	4000
Қора бўёқ модда	800	
Молибден (ион)	333200	800
Метанол	4000	132
Минераллашув	0,4	0,4
Маргимуш	8000	8000
Мис (фонига кўра)	400000	400
Магний	10	
Соляр мойи	40000	
Енгил иссиқлик мойи	4000	
Мочевина 4,8	4,8	
Натрий тиосульфати		160
Нефть ва нефть маҳсулотлари	80000	1332
Аммоний нитрати	50000	
Никель	4000	4000
Нитробензол	40000	
ОЕК (оксиллаштирилган ёғли кислоталар)	1600	
Роданидлар	2668	4000
Симоб		80000
Сульфатлар	4	0,8
СПАВ	4000	800
Стирол	4000	
Олтингугурт	40	
Углерод сульфиди	400	400
Сурма		8000
Стронций		200
Кўргошин	13320	40000
Скипидар	2000	
Сулема	4000000	
Титан		4000
Теллур (фонига кўра)	14280	40000
Сирка кислотаси	40000	
Толуол	800	800
Фенол	400000	400000
Формальдегидлар	1600	8000
Фторидлар	8000	
Фозалон	йўқ	400000
Умуман фосфор	4000	
Фтор-ион (фонига кўра)	8000	268
Фурфурол	400	400
Уч валентли хром	800	800
Олти валентли хром	400000	4000
Хлор (қолдиғи)	268	268
Натрий хлорати		20
Хлоридлар	1,2	1,2
Хлорбензол	400000	20000
Рух	40000	400
Цианидлар	8000	4000
Циклогексан	40000	4000
Этилбензол	400000	
Этилен		200

Эслатма: 1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси қарорига биноан моддалар рўйхатига тузатишлар киритилиши мумкин.

2. Оқава сувларни ташлаганлик учун ҳақ тўлаш нормаси ернинг тузилишига қараб Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларининг қимматидан келиб чиққан ҳолда ифлосланиш категорияси ва қайтариб бўлмайдиган нобудгарчиликни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июн 303-сонли қарорига 3-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЧИҚИНДИЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРГАНЛИК УЧУН

ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ВАҚТЛИ НОРМАЛАРИ

Чиқиндиларнинг турлари	1 тонна чиқиндини жойлаштирганлик учун ҳақ тўлаш нормаси (сўмлар ҳисобида)
1	2
Иккиламчи хом-ашё ҳисобланадиган чиқиндилар:	Иккиламчи хом-ашёга улгуржи нархлар ҳажмида (улгуржи нархлар прейскурантига биноан)
шу жумладан:	
Ёғоч чиқиндилари, 1 куб метри учун	7
Кул ва кул-шлак чиқиндилари	2
Қоғоз чиқиндилари (макулатура)	94
Иккиламчи тўқимачилик материаллари	360
Ишлатилган нефт маҳсулотлари	100
Шиша синиқлари	20
Иккиламчи полимер ҳом-ашёси:	
полиамид кўп бўлгани	600
полиэтилен кўп бўлгани	160
поливинилхлорид кўп бўлгани	280
полистирол кўп бўлгани	250
Резина чиқиндилари:	
вулканлаштирилмаганлари	180
вулканлаштирилганлари	58
Резина-тўқима материаллари чиқиндиси	180
Композицион тўлдирувчи (пойабзал ишлаб чиқариши ва иккиламчи тўқимачилик хом-ашёсининг чиқиндиси)	102
Эскириб ишдан чиққан шиналар	39
Металлургия ишлаб чиқаришининг шлаки:	
домна печидан чиққани	3
пўлат эритишдан кейин чиққани	1
темир қотишмадан кейин қолгани	2
Фосфогипс:	
I нав	4
II нав	0,50
Ишлатилган қолипбоп аралашма	3
Иккиламчи хом-ашё ҳисобланмайдиган чиқиндилар:	
I класс заҳарлилиги бўлган — фавқулодда ҳавфли	370
II класс заҳарлилиги бўлган — юксак даражада ҳавфли	185
III класс заҳарлилиги бўлган — унчалик ҳавфли эмас	111
IV класс заҳарлилиги бўлган — ҳавфи кам	37
Заҳарли бўлмаган чиқиндилар	10

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июн 303-қарорига 4-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни нормадагидан кўп чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун ҳақ тўлашнинг вақтинчалик нормаларини қўллаш

ТАРТИБИ

1. Мазкур Тартиб республикада табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш ишига иқтисодий механизмни босқичма-босқич жорий этиш принципидан келиб чиққан ҳолда саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа давлат, кооператив ва жамоат корхоналари ҳамда муассасаларидан (бундан кейин табиатдан фойдаланувчилардан) уларнинг идоравий бўйсунишларидан, мулкчиликнинг шакли ва хўжалик фаолиятининг ташкил этилишидан қатъий назар табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган охирги даражадан ортиқча, яъни нормадан ошириб чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун вақтинчалик нормалар бўйича ҳақ ундириб олинишини назарда тутади.

2. Табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун нормалар ва лимитлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

3. Табиатдан фойдаланувчи ифлослантирувчи моддаларни нормадагидан кўп чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун ҳақ тўлаш ҳисоб-китобини юритади ва у келишиб олиш учун табиатни муҳофаза қилиш бўйича маҳаллий органларга тақдим этилади.

4. Ифлослантирувчи моддаларни нормадагидан кўп чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун ҳақ 1, 2, 3-иловаларга биноан чиқиндилар (ташламалар) ва чиқитлар учун ҳақ тўлашнинг тегишли вақтинчалик нормаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Бунда чиқиндилар (ташламалар) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун йўл қўйилган охирги даражага қадар белгиланганидан амалда ортиқча ҳажмини ана шу иловадаги ҳақ нормаларга ҳамда марталик коэффициентигача кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Ҳақ тўлаш ҳажми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нархларнинг оширилишига мувофиқ тарзда индексация қилиниши лозим.

Ифлослантирувчи моддаларнинг чиқиндилари (ташламалари) ва чиқитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлганидан ортиқчалиги учун ҳақ тўлашнинг марталик коэффициенти чиқиндилар (ташламаларни), жойлаштиришнинг амалдаги ҳажмини уларнинг белгиланган норматив (лимит)ига, нисбати сифатида белгиланади.

Ифлослантирувчи моддаларнинг аварияга учраган ҳолдагидек бирваракайига чиқариб юбориши натижасида ҳавога, сув объектларига ва текис ерларга чиқитлар жойлашишига йўл қўйилган тақдирда табиатдан фойдаланувчи айбдорлардан ҳар бир тонна зарарли модда чиқарилгани учун ўн карра оширилган ҳажмда ҳақ ундириб олинади. Ифлослантирувчи моддалар ҳажмининг бузиш содир бўлган пайтдан то у тугатилгунча қадар ўтган давр учун ҳисоб-китоб билан ёки асбоблар ёрдамида ўлчаб белгиланади.

5. Ифлослантирувчи моддаларни нормадан ортиқча чиқарганлик (ташлаганлик), чиқиндиларни жойлаштирганлик учун ундирилган маблағлар табиатдан фойдаланувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маҳаллий органларининг тегишли банк муассасаларидаги табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари ҳисобига ўтказилади ва шу фондлар тўғрисидаги Низомга мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида фойдаланилади.

Бундай тўловлар табиатдан фойдаланувчилар томонидан ҳисоб берилган кварталдан кейинги ҳар кварталда бир ой давомида амалга оширилади.

Маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда тўловлар суммасидан муддати ўтган ҳар кун учун 0,1 фоиз миқдорида пения ундириб олинади.

6. Нормадагидан ортиқча чиқиндилар (ташламалар), ифлослантирувчи моддалар чиқитларни жойлаштирганлик учун ҳам табиатдан фойдаланувчилар ихтиёрида қолади ва у келишиб олиш учун табиатни муҳофаза қилиш бўйича маҳаллий органларга тақдим этилади.

Табиатдан фойдаланувчилар фойдаси (даромади) етарли бўлмаган ёки зарар келтирадиган бўлган тақдирда кўрсатилган тўловлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг хулосасига кўра Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига биноан унинг ихтиёрида мавжуд бўлган барча маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Амалдаги қонунларга кўра бундай маблағлар ҳисобига ҳақни ундириб олиш мумкин.

Табиатдан фойдаланувчилар тўловларни тўлашдан бош тортган тақдирида бундай маблағлар, шунингдек пенялар арбитраж суди орқали мажбурий тартибда ундириб олинади.

Ифлослантирувчи моддалар чиқиндиси (ташламасини, чиқитларни ўзбошимчалик билан (тегишли рухсатномани расмийлаштирмасдан) жойлаштирганлик учун табиатдан фойдаланувчилардан унинг бутун ҳажми учун айбдор шахс сифатида нормадан ортиқча жарима санкциялари берилган ҳолда ундириб олинади.

Табиатни ифлослантирувчи моддаларнинг чиқиндилари (ташламалари)ни ташлаганлиги, чиқитларни жойлаштирганлиги учун айбдорлар маълумотларни бекитиб қолганликлари ёки бузиб кўрсатганликлари учун Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган қонунларга биноан жавобгарликка тортиладилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маҳаллий органлари билан келишилиб ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда технологик ёки табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ўтказилган, бунинг оқибатида чиқиндилар (ташламалар)нинг қисқа муддатли ошишига ва чиқитларни жойлаштирилишига олиб борган чоғда тўловлар тўланмайди.

Табиатдан фойдаланувчилар томонидан ифлослантирувчи моддаларнинг нормадагидан ортиқча чиқишига (ташланишига), чиқитлар жойлаштирилишига ҳақ тўлаш, уларнинг табиатни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, чиқараётган маҳсулоти ва фаолиятининг характеридан қатъий назар табиатни муҳофаза қилиш қонунларига амал қилишдан озод қилмайди. Чунки киритилаётган тўлов корхонанинг атроф табиий муҳитига етказадиган зарарига баб-баравар эмас.

8. Тўловларни ҳисоблашнинг тўғрилиги, ўз вақтида амалга оширилиши ва мазкур тартибга амал қилиниши учун масъулият табиатдан фойдаланувчилар-тўловчилар ва уларнинг мансабдор шахсларига юкланади.

9. Тўловлар суммаларининг ўтказиб турилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади.

ОРОМГОҲЛАР ИФЛОСЛАНТИРИШ МАНБАИ БЎЛМАСИН

БЎСТОНЛИҚ — йирик дам олиш минтақаси ҳисобланади. Унинг гўзал, мафтункор, ёзда ҳам йилнинг тўрт фасли тарк этмайдиган мазкур ҳудудда кўпдан-кўп оромгоҳлар жойлашган. Уларнинг минтақа табиатига таъсири қандай? Атроф-муҳитни ифлослантириш экологик аҳволнинг ёмонлашишига қандай «ҳисса» қўшмоқда? Бўстонлиқ район табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат назоратчиси Д. Раҳимжонов шулар ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Бўстонлиқда бундай муассасалар ниҳоятда кўп. Бу ҳаммага маълум. Шуни айтиш кифояки, биргина дам олиш уйларининг ўзидан 176 та бор. Уларда ҳар йили минглаб меҳнаткашлар ҳордиқ чиқарадилар, ўз саломатликларини мустаҳкамлайдилар, янги куч, янги қувват йиғиб, меҳнат қўйнига қайтадилар.

Дам олиш масканлари фақат шулардангина иборат эмас. Айни вақтда 66 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳамда олтита муолажагоҳ ҳам ишлаб турипти. Улар ҳам ҳар йили минглаб ўқувчи ёшлар, беморларни ўз бағриларига оладилар. Бу яхши. Меҳнаткашлар хизматида бўлувчи бундай муассасалар қанча кўп бўлса шунча маъқул. Лекин уларнинг кўпчилиги, айниқса дам олиш уйлари ва кашшофлар оромгоҳлари пала-партиш, дуч келган жойда қурилаверган. Бу билан район табиатига катта путур етказилмоқда.

Бу муассасалар фаолияти билан боғлиқ бўлган ва экологияга оид муаммолар анчагина бор. Лекин, биз уларнинг бири ҳақида фикр юритмоқчимиз. У ҳам бўлса бу масканларда сувдан фойдаланиш ва оқаваларнинг оқизилиши ҳақидадир. Райондаги учта касалхона ва иккита болалар соғломлаштириш оромгоҳидан ташқари қолган муассасаларнинг бирортасида ҳам сув манбаларидан марказлашган ҳолда фойдаланилмайди. Бунинг устига оқава сувларни тозалаш йўлга қўйилмаган. Ҳатто, бир-бирига жуда яқин жойлашган дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари ҳам ҳамма учун умумий ва ягона сув таъминотига эга эмас. Уларнинг ҳар бирида алоҳида сув олиш иншооти, ичимлик сув тармоқлари мавжуд. Бу қимматбаҳо оби ҳаётни талон-тарож қилишнинг худди ўзгинасидир. Оқибатда сув ортиқча ишлатилади, фойдасиз оқизиб юборилади. Бундай иншоатлар муайян ер майдонларини ҳам эгаллайди.

Бу масканларнинг истисносиз ҳаммасида сувдан фойдаланиш ҳисобга олинмайди. Эҳтиёжни тўла қондириш учун қанча ҳажмдаги сув кераклигини билишмайди. Боз устига уларнинг аксарияти сувдан фойдаланиш учун рухсатномага эга эмас. Фақатгина ўн фоизига сувдан махсус фойдаланиш учун рухсат берилган. Бошқаларига шундай рухсат олиш ҳақида кўрсатмалар берилганлиги, танбехлар қилинганига қарамай бу масалага лозим даражада эътибор беришмаяпти, муаммо жуда суст ҳал қилиняпти.

Уларнинг оқава сувлари ҳам атроф-муҳитни ифлослантирувчи манба бўлиб қолаяпти. Чунки, аксарият кўпчилигида тозалаш иншоотлари, оддий тиндиргич ҳовузлар ҳам қурилмаган. Масканларни барпо этишда улар умуман назарда тутилмаган, бефарқлик қилинган. Ҳозирги вақтда дам олиш уйларининг фақатгина ўнтасида сув тозалаш иншоотлари ишлаб турипти. Улардан ўтган оқавалар ҳам ҳардоим тоза, турли хил зарарли ва заҳарли моддалардан холис бўлмаяпти. Чунки, улар технология талабларига риоя қилган ҳолда ишламаяпти.

Дам олиш масканларининг асосий кўпчилигида оқава сувларни тўплаш учун ўралар қурилган. Улар ҳам тупроққа оқава сингмайдиган қилиб ишланмаган. Бу ерда тўпланган ифлос оқавалар ерга бемалол сизиб, тупроқ таркибини анча чуқурликкача бузмоқда. Ваҳоланки, оқавалар тозалаш иншоотларида тўпланиб, сўнгра канализацияга қуйиладиган қудуқларга олиб бориб тўкилиши керак. Амалда бирорта ҳам муассаса шундай қилмаяпти. Аксарият дам олиш масканлари сув ҳавзалари қирғоғига ёки уларга жуда яқин жойлашган. Шу сабабли чиқинди сувларни бундай ҳавзаларга тушишининг олдини олиш қийин. Кўп ҳолларда тунда оқавалар сув ҳавзаларига яширинча оқизиб юборилмоқда. Дам олиш муассасалари жуда тарқоқ ҳолда жойлашгани учун ҳам уларнинг бу соҳадаги бефарқликларини доим билиш, фош қилиш мумкин бўлмаяпти. Мавжуд назоратчилар кучи билан уни тўла унддалаш амри маҳол.

Бундай нохуш аҳволни, Бўстонлиқнинг гўзал ва оромбахш табиатига зарар келтираётган манбаларни бартараф этишнинг бирдан бир йўли шундаки, район бўйича тўпланган барча оқаваларни ҳозирги вақтда ишлаб турган Ғазалкент — Чирчиқ канализация тармоғига олиб келиш керак. Бунда шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, Чирчиқ шаҳрининг ҳозирги сув тозалаш иншооти қуввати райондан келтирилган барча оқаваларни турли моддалардан тозалашга етмайди. Оқавалар кўпайиб тошиб кетиши ва атроф-муҳитни ифлослантириши мумкин. Шуни ҳисобга олиб бу иншоотни кенгайтириш лозим бўлади.

Бу билан райондаги дам олиш манзилгоҳларида оқаваларни тозалаш йўлида ҳеч қандай иш қилинмаяпти, ҳеч қандай чора кўрилмаяпти, демоқчи эмасмиз. Уринишлар ҳам бўлмоқда. Лекин улар ниҳоятда кам. Ҳозирги вақтда Гагарин номли кашшофлар оромгоҳи ва дам олиш уйида оқаваларни тозалаш мақсадида биология усулларидан фойдаланишга киришилди.

Бу ерда оқаваларни сув карами билан тозалаш бўйича тажриба ишлари олиб бориляпти. У микробиология илмий-тадқиқот институти олимлари раҳбарлигида ўтказиляпти. Бу усул сув жуда секин оқадиган ёки умуман кўлмак ҳолида бўлган чуқурлиги бир метрдан ошмайдиган катта кенгликда қўлланилиши мумкин. Сув карами ҳам шу ернинг ўзида ўстирилади.

Сув карами оқава сув таркибидаги органик чиқиндилар билан озиқланади. Ундан чорва учун озуқа сифатида фойдаланиш мумкин. Сув карамини ишлатилган жойда яхши самара бериши аниқлангани учун ҳам уни кенг жорий қилиш даркор. Фақат сув илиқроқ бўлса бас. Ёзда чиқинди сувлар, албатта, илиқ бўлади. Шунинг учун ёз мавсумида ишлайдиган дам олиш муассасаларида қўлланиш мумкин. Лекин, юқорида айтилганидек, кенг майдон керак бўлади. Бунинг иложини топиш керак. Энг муҳими, бу карам оқава сувларни тозалаб, оби ҳаёт ҳавзаларимизнинг мусаффолигини таъминлашга ёрдам беради.

Районда экологик аҳволни яхшилашга эришиш учун яна бир муаммони тезроқ ижобий ҳал қилиш талаб этилади. Бу минтақада марказлашган сув таъминоти иншоотлари қурилишидир. Шундай қилинса сув сарфини ҳам ҳисобга олиш, унинг ортиқча, бефойда исроф бўлишини бартараф этиш мумкин бўлади. Демак, ҳозирги вақтда ниҳоятда тарқоқ ҳолда жойлашган ичимли сув оқувчи қувурлар ва ариқларни камайтириш, айни вақтда анча-мунча ер майдонларини тежаш, уларда деҳқончилик, боғдорчилик ишларини йўлга қўйиш имконияти туғилади.

Ҳозирча зич жойлашган дам олиш масканлари учун оқаваларни тозалашга мўлжалланган ягона биологик тозалаш иншоотлари қуриш керак. Албатта, бундай иншоотлар барпо этиш билан муаммони тўла ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун Бўстонлиқ ва Паркент районлари ҳудудида миллий боғ барпо этиш режасида тозалаш иншоотларини қуриш бўйича белгиланган тадбирларни тезроқ амалга оширишга киришиш зарур. Шу нуқтаи назардан, чунончи, лойиҳаси тайёр қилинган Бақачўл канализация тармоғи, Белдерсой канализация тармоғи, Чирчиқ тозалаш иншоотларининг навбатдаги қувватини барпо этиш бошлаб юборилса, токи у Бўстонлиқ райони чиқинди сувларини тўла қайта ишлайолсин. Район ҳудудининг экологик соф бўлишини қисман таъминлашга мўлжалланган бу тадбирларни амалга оширишни пайсалга солмаслик лозим.

ХАЛҚ ТАБОБАТИ

● ОШҚОЗОН ва ўн икки бармоқли ичакда яралар бўлса, зардоб кетказиш учун гастрит билан оғриган беморларга картошка шарбатини истеъмол қилиш тавсия этилади. Шарбат янги тайёрланган бўлиши шарт. Эрталаб наҳорда стаканнинг тўртдан уч ҳиссаси миқдорида ичиш керак. Ичгандан кейин овқатланиш мумкин. Даволашни 10 кун давом эттириш зарур, сўнгра 10 кун танаффус қилиб, яна 10 кун даволаш даркор.

● ТАБИБЛАР ошқозондаги зардобни камайтириш учун сабзи шарбатидан муваффақиятли фойдаланиб келишган. Фақат шарбат янги тайёрланган бўлиши зарур. Агар сабзининг ўзи ҳам янги ковланган бўлса яна ҳам яхши. Бу шарбат ҳам наҳорга, оч қорнига ярим стакан миқдорида ҳар куни бир марта ичилади.

● 300 ГРАММ ёнғоқ олиниб чақилади ва унинг мағизларини бир-биридан ажратиб турувчи пардалари олинади. Уни 250 миллилитр спиртга солиб уч кун тиндирилади. Ичкетар касалига мубтало бўлинганда 6—10 томчисини илиқ қайнаган сувга қўшиб ичилади.

● ОЁҚЛАР шишини даволашда оқ қайин баргларидан фойдаланилади. Бунинг учун ип газламасидан оёқ ўлчамига мос тиззагача етадиган халтача тикилади. Халтача ичига оқ қайин барги тўлдирилади ва беморнинг оёғи унга тиқилади. Бунда барглар тахминан бир бармоқ қалинлигидаги қатлам билан оёқни ҳамма томондан қамраб олиши керак. Оёқлар қаттиқ терлайди. Агар барглар 3—4 соатдан кейин ниҳоятда ҳўл бўлиб кетса уни янгилари билан алмаштириш керак бўлади. Бир неча марта шундай қилингандан кейин оёқ шиши қайтади. Шиш унча катта бўлмаса, 1—2 марта қилиш кифоя бўлади.

● ҚАДОҚНИ лимон ёрдамида даволаш мумкин. Ётиш олдидан оёқдаги қадоққа гўшти бўлган лимон пўстини бойлайсиз. Орадан 2—3 кун ўтгач қадоқни бемалол, бироқ, оҳиста олиб ташлаш мумкин бўлади.



● ҒАЗАЛКЕНТДАГИ 125-автокорхонада машиналарни ювишдан ҳосил бўлган оқава сувларни махсус мосламаларда тозалаб қайтадан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу ҳар йили минглаб куб метр сувни тежаш имконини беради.

Д. АҲМАД олган сурат.

* Паррандаларни кузатганда

ЧУМЧУҚ ВА РАЙҲОН

● ЧУМЧУҚЛАРНИНГ қора ва сада райҳонни хуш кўришини кўпчилик, айниқса, баҳорда ҳовлисига шундай кўкатларни экканлар яхши билишади. Бу митти паррандалар уларга жуда ўч. Шунинг учун бундай райҳонларни ўстиргунча усти қоғоз қалпоқ билан ёпиб қўйилади. Кўпчилик чумчуқлар райҳонни еса керак, деб ўйлайди. Аслида ундай эмас экан. Қизиқиш унинг сабабини аниқлаш имконини берди.

...Эрта баҳор. Бутун борлиқ уйғонган. Ҳамма қушлар бола очиш ташвишига тушиб қолган, эрта тонгдан кечгача инлар қуриш дардида тинчим билмайди. Бизнинг ҳовлимизда ҳам ўнлаб чумчуқлар шу юмуш билан банд бўларди. Чордоқлар, дов-дарахтлар кавакларига ин қуришарди, ҳас-чўплари ташишарди. Олди инларда тухумчалар ҳам пайдо бўлиб қолган эди. Шу вақтда ҳовлига ош, қора ва сада райҳонлардан озроқ экдим. Бу кўкатларнинг хушбўй ҳидини ким хуш кўрмайди, дейсиз.

Орадан бир-икки кун ўтар-ўтмас қора ва сада райҳонлар барги камая бошлади. Бу чумчуқлар иши эканлигини сездим. Унга қизиқдим. Чумчуқ йўқ пайтини пойлаб, унинг ини олдига бориб қарадим. Инда учта тухум бор эди, биттаси бола очиб чиққан экан. У жиш ҳолда эди. Инининг атрофи эса райҳон барглари билан ўралганди. Қуриган райҳон ҳидидан қурт-қумурсқалар қочар экан. Чумчуқ полапонларини улардан сақлаш учун шундай қилар экан.

Орадан кўп ўтмай оначумчуқ полапонларини учирма қилди. Болаларини ҳовлига олиб тушди. Озроқ помидор экилган эгатларга бошлаб кириб, оқ чивинларни териб ея бошлади. Учирмаларини ҳам уларни ушлашга ўргата бошлади. Болалари ҳам она чумчуқ каби уларни тута бошладилар. Шундай қилиб, помидор ва бошқа сабзавот экинларининг кушандаси бўлган зарарли чивинларнинг камайишига ёрдам бердилар. Буни она-чумчуқ ва жажжи паррандаларнинг уй соҳибига нисбатан миннатдорчилиги рамзи, деб тушундим.

У. КАРИМОВ,
Зангиота районидаги 10-мактаб ўқитувчиси.

Ушбу саҳифалар материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғибот бўлими ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Душанба, 21. IX

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Писмиқ». Болалар учун фильм.
18.45 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».
20.00 «Камолот-90». Ёш хонандалар Республика танловининг олий соврин эгаси Тўлқин Ҳайдаров куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Хотира». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 85 йиллигига.
21.50 «Уран сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари
10.30 Физика. Молекуляр кинетик назариясининг асослари. Газ қонунлари.
11.00 «Киев ҳақида». Телефильм.
11.30 Математика. Натурал сонлар ва уларни қўшиш, айириш.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Миришкорлар».
20.55 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.35 «Дала ҳовли эгалари учун».
21.50 «Лаҳза». Хабарлар.
22.00 «Чорраҳа». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Брэйн-ринг».
9.50 «Янги авлод танлайди».
10.40 «Бир қоп олма». Мультфильм.
11.20 Янгиликлар.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо тржимаси билан).
14.20 «Телемикст».
15.05 «Ён дафтар».
15.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 Халқ куйлари.
16.15 «Мальта скаутлари ҳақида ҳикоя».
16.45 «Ҳордиқ чиқаринг».
17.00 Янгиликлар (сурдо тржимаси билан).
17.20 Футбол шарҳи.
17.50 «НЭП».
18.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Нима эксанг...». Бадиий фильм («Таллинн»-фильм»).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Спорт уик-энди».
20.40 «Ёшлик пайтларимизда...» («Театр учрашувлари» кўрсатуви саҳифаларида).

«Янги студия» таништиради
21.10 «Ошкоралик дўкони».
21.20 «30-лойиҳа».
21.45 «Бироқ».
22.00 «Қинғир-қийшиқ эфир».
22.15 «Бомонд».
22.30 «Джем-сейшн». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
00.15 «Париж — Москва —Пекин» автораллиси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Оқ қарға».
8.35 Ҳужжатли панорама. «Унинг юлдузининг шўъласи».
10.00 Россия қобусномаси. «Россия орденлари». Ёзувчи А. Кузнецов билан учрашув. Кўрсатувда 1992 йилда вафотининг 180 йиллиги нишонланадиган генерал П. И. Багратион жасорати ҳақида ҳикоя қилинади.
11.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 74 ва 75-сериялар.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.00 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим».
15.15 Мульти-пульти. «Олтин сўзлар».
15.25 Болалар соати (француз тили дарси билан).
16.25 Янгиликлар.
16.40 Спорт кўрсатуви.
16.50 Криминал хабарлар экрани.

*

17.00—21.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.00 Хабарлар.
21.20 Душанба куни детектив. «Қуролланган ва ўта хавфли». Ф. Брет Гарт асарлари мотивлари асосида бадиий-саргузашт фильм.

Сешанба, 22. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар.
7.35 «Қалбимда сен». Мусиқий кўрсатув.
8.05 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.
9.35 Ўзбек тилини ўрганамиз.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 1-фильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Дутор ва танбур тароналари.
19.45 Бевосита мулоқот.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Тараддуд». XI Тошкент халқаро кинофестивали олдидан.
22.20 «Ворис». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Шаҳар юмушлари».
19.30 «Номлар — маънавият белгиси».
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.10 «Ватанинг — онанг». Ёшлар учун кўрсатув.
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 Футбол шарҳи.
9.35 «Астра» таништиради. «Дон монастири тарихидан».
10.30 Мультфильмлар.
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Деярли кулгили воқеа». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.25 «Тунги капалак». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
12.55 «Номсиз қаср». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо тржимаси билан).
14.25 Ишбилармонлар хабарномаси.
14.40 «Ён дафтар».
14.45 «Қадимий рус оркестри».
15.20 «Уолт Дисней таништиради...».
16.10 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.00 Янгиликлар (сурдо тржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради. «Осиё овози» оммабоп куй ва қўшиқлар III халқаро танлови. Олмаотадан кўрсатилади.
21.50 «Кремль деворлари ортида».
22.20 Анъанавий япон куйларидан концерт.
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Париж— Москва— Пекин» автораллиси.
00.15 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Дўстлар, белгиланган соатда йиғилишамиз».
8.20 Россия қобусномаси. «У дунёдан».
9.25 «Тилла шпора».
9.55 «Ретро».
10.25 «Ляпсус». Ҳажвий кўрсатув.
11.05 Мульти-пульти. «Қулупнай ёмғири».
11.15 Кундузги сеанс. «Шу нуннинг аёли». Бадиий фильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.00 Телебиржа.
15.30 «Руҳ қуши». Тибет маданий анъаналари ва фалсафаси ҳақида.
15.55 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.15 «Рост» студияси. «Кенгуру».
16.45 Янгиликлар.

*

17.00—21.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.00 Хабарлар.
21.20 Россия Конституцион суди залидан.
21.50 «Иқрор». И. Е. Репиннинг ўғли, мусаввир Юрий Репин ҳаёти ва ижоди ҳақида кўрсатув.
22.10 «Сигнал».
22.25 «Қандай яшаш мумкин?». Нижний Новгородда тажриба.
22.55 «Бешинчи гилдиран».

Чоршанба, 23. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Самарқанд» ансамбли яккахонларининг концерти.
7.50 «Уран сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
9.25 Турк тили.
9.55 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 2—3-фильмлар.
18.30 «Меҳнатим — фахрим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Мингбулоқ — она-замин инъоми». Телефильм.
19.40 «Халқ ижоднёти». Солижон ҳофиз.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Пахта теримни кундалиги.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.30 «Ала-Тоонинг кумуш музги». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Оддий моддаларнинг тузилиши. Аллотропия.
11.00 «Фермерлар». Телефильм.
11.20 «Виждон амри». Бадиий фильм.
12.40 Ёшлар учун дам олиш кўрсатуви.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Кулиб боқ, кичкинтой». Шаҳар саломатлик маркази саволларингизга жавоб беради.
20.20 «Спринт».
20.40 Бизнинг интервью.
21.10 Мусиқий танаффус.
21.20 Уй-жойларни хусусийлаштиришга бағишланган кўрсатув.
22.20 «02» тўлқинида».
22.35 «Эрга тегманг, қизлар». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 16.55, 20.20, 23.35— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.45 «Бизнинг мусиқий клуб».
10.35 Мультфильмлар.
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Деярли кулгили воқеа». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.30 «Мушук Леопольднинг сайри». Мультфильм.
12.40 «Номсиз қаср». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо тржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Уолт Дисней таништиради...».
16.05 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танлови қатнашчиларининг концерти.
16.25 «Меннинг исмим Панама». Телефильм премьераси.
17.00 Янгиликлар (сурдо тржимаси билан).
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
17.50 «Игорь Ноткин — фақирлар файласуфи». Ҳужжатли фильм премьераси.
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.40 «Кинопанорама».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Улар бошқача кун кўришга тайёр». В. Позернинг «Останкино» студиясида ёшлар билан учрашуви.
21.45 «Аҳволлар қалай, эстрада!».
22.45 Катталар учун мультфильм.
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Париж — Москва — Пекин» автораллиси.
00.10 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Асил ҳолича».
8.55 «Афсунгарнинг ўғирланиши». Бадиий фильм.
10.35 «Меҳр-шафқат даври».
11.35 Мульти-пульти. «Ҳўтикча».
11.45 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 76-серия.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.55 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.00 «Кузнрхоним».
15.30 «Ютқазишсиз ўйин».
16.00 Христианлар учун кўрсатув.
16.30 Янгиликлар.
16.45 «Ҳар бир кун байрам».
16.55 Эълонлар.

*

17.00—21.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.00 Хабарлар.
21.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.50 Спорт кўрсатуви.
21.55 Парламент хабарномаси.
22.10 «Сафсаталар».
22.40 «TV да ким ҳўжайин?».
23.10 Эълонлар.
23.15 Россия Конституцион суди залидан.
23.45 «Танаффус».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 18 сентябрь сонидан олинди.

• ОБУНА—93 •

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

(Муштарийлар билан учрашувлар)

«Тошкент ҳақиқати» тахририятида азалдан бир анъана бор. У ҳам бўлса вилоятимизнинг турли жойларига чиқиб, меҳнаткашлар билан учрашиш, уларнинг ҳаёт ҳақидаги ўй-фикрлари билан танишиб, газета ҳақидаги мулоҳазаларини билишдир. Бу нарса рўзнома ишини яхшилашда ниҳоятда муҳим омилдир.

Шунинг учун ҳам куни кеча тахририятнинг бир гуруҳ нжодий ходимлари Пискент районида бўлиб, турли ёшдаги ҳамда касбдаги кишилар билан мулоқотда бўлишди. Суҳбатимиз мавзуси обуна мавсумининг қандай ўтаётганлигига ҳам қаратилди. Биз йиғилганлардан айримларининг фикрларини қоғозга туширдик.

Тўйбек ШУКРУЛЛАЕВ,
Халқ-демократик партиясининг «Дўстлик» давлат хўжалиги бошланғич ташкилоти котиби

— «Тошкент ҳақиқати» рўзномасини ёшлигимдан ўқиб бораман. Менга у яқин сирдошдай бўлиб қолган. Унда чоп этилаётган мазмундор мақолалар, турли хил хабарларни кунига ўқиб чиқмагунимча кўнглим жойига тушмайди. Лекин ҳамма соҳада бўлганидек, бозор иқтисодиёти шароити рўзномаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мен бунга албатта ачинаман. Лекин ёлғиз бунинг ўзи кифоя қилмайди. Рўзноманинг барча муштарийлари бунинг учун қўлларидан келганча амалий ёрдам беришлари зарур. Ҳар бир ташкилот, хўжалик, ўқув юртлари бу борада бир ёқадан бош чиқаришлари керак. Бизнинг хўжалигимиз раҳбарлари ҳам турли тадбирларни режалаштиряпти. Масалан, нафақахўрларга хўжалик ҳисобидан обуна бўлишларига ёрдам кўрсатишни ҳам ўйлаб турибмиз.

Хуллас, қадрдон рўзномамизни оғир пайтларда ташлаб қўймаймиз.

Туроб ИМОМОВ,
«Ўзбекистон» давлат хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси

— Хўжалигимизда обуна мавсумига бағишлаб йиғилиш ўтказдик. Пахта йиғимтеримни бошлангунга қадар обуна ишларини йўлга қўйиб олмоқчимиз. Рўзноманинг нархи масаласига келсак, агарда у 1000 сўм бўлса ҳам мухлислари ёзилишади. Шахсан мен фақат шу рўзномага обуна бўламан.

Кези келганда, рўзнома жамоасига айрим таклифларимни баён этмоқчиман. Келгусида заём, лотереяларнинг ютуқ жадваллари рўзномада бериб борилса, айни муддао бўларди. Шу билан бирга буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг ҳаёти ҳамда фаолиятига оид мақолалар, чет эл янгиликлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига оид янгиликлар мунтазам бериб борилса деган таклифим бор эди.

Илҳом МИРЗАЕВ,
«Пискент» шўро хўжалиги 1-бўлимининг ишчиси

— Кейинги пайтларда «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида яхши мақолалар чоп этилмоқда. Шулардан бири «Паркентдан чиққан саркарда» мақоласидир. Биз ушбу мақолани ўқиб, ниҳоятда фахрландик. Биздан шундай буюк кишилар чиққанлигини шу рўзнома орқалигина билдик. Қани энди бундай материаллар кўпроқ бериб борилса.

Обуна масаласига келсак албатта, ёзиламиз. Илгарилари 3—4 нашрга обуна бўлган бўлсак, бу йил 1—2 тасига, шу жумладан «Тошкент ҳақиқати»га албатта обуна бўламиз.

Исроил МИРАҲМЕДОВ,
Пискент район марказий касалхона касаба уюшмасининг раиси

— Айни пайтда бизнинг жамоамизда обуна ишлари бошлаб юборилди. Бу ишга алоҳида масъул ходим ажратганмиз. Бошқаларни билмадиму биз ўзимиз, яъни раҳбарлар «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига албатта ёзиламиз.

Шу ўринда рўзнома ходимларига таклифим бор эди. Қишлоқ жойлардаги тиббиёт ходимларининг фаолияти тез-тез ёритиб турилса. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, айни пайтда районимизда экология масаласи ниҳоятда жиддий. Журналистлар мана шундай долзарб муаммоларга ҳам қўл урсалар, кўнгилдагидек иш бўларди.

• Ноёб қобилиятли кишилар

РУҲИНГИЗ ЕНГИЛ БЎЛАДИ



Бу ноёб қобилиятли аёл ҳақида анчадан буён эшитиб юрардим. У ғайриоддий даволаш усули билан вилоятимизнинг шаҳар ва районларида бўлиб кўпларнинг дардини енгиллатди. Чегара шаҳри Термизда, Томди яйловларида бўлди. Қашқадарёга 6 марта борди. Зарафшон, Учқудуқ, Вобкент, Бухорода кўпгина даволаш муолажалари ўтказди. Талабларга биноан Оҳангаронга қайта-қайта ташриф буюрди, Қозоғистонга, Москва атрофларига таклиф этилди. Уни баъзилар «Ўзбекистондан чиққан Чумак», дейишса, баъзилар руҳий таъсир этиб даволаши сабабли «Бизнинг Кашпировский» деб кўйишади.

Раиса Нўъмонова билан яқиндан танишиш мақсадида шанба ва якшанба кунлари Тошкентдаги «Восток» клубида ўтказилаётган сеансларини кузатдим. Кўп беморларнинг фикрларини ўргандим. Унинг «мижозлари» айримлар ўйлаганидек, кўнгилчан, содда, ҳар нарсага ишонувчи «лақма» одамлар эмас экан. Тошкентлик педагогика фанлари номзоди Л. А. Прилук мана нималар деб ёзади: «Хотинимни 15-шаҳар шифохонасининг асаб касалликлари бўлимидан жуда оғир аҳволда олиб кетдим. Бу йил у икки марта шу касалхонага тушган эди. Унинг қон босими кўтарилган, вегетатив-томир ўзгариши, юрак неврози ва ҳоказо диагнозлар билан ётган эди. Унинг касали хуружлари хусусида асаб касалликларини даволовчи дўхтир «Бундай хуружлар яна узоқ давом этади, бу ёмон, албатта, лекин ўлимга олиб бормайди» деганди. Кунига тинчлантирувчи, кўнгил айнишини қолдирувчи, босимни туширувчи, юрак-ошқозон касалликларига қарши 30 тадан таблетка ичар, ҳар хил томчи дори, укколлар оларди. Кўп йиллар ва ойлардан бери шу аҳвол давом этарди. Ўзи мўъжизаларга унчалик ишонмайман. Касалхонада ҳам, ундан олдин ҳам «Хотинингга кўз тегибди, назарланган» деган гапларни айтишса, эшитишни ҳам хоҳламасдим.

Чўкаётган одам сомонга ҳам ёпишади, дейишади. Майли, нима бўлса бўлсин, дея хотинимни машҳур Ҳусайн табибга — Маърузачилар уйига олиб келдим. Бу ердаги иккинчи хонада (Марказ-14, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй) эса Раиса Нўъмонова беморларни қабул қилаётган экан. Билдирув эълонида кўрсатилганидек, у руҳий енгиллаштирадиган муолажалар ўтказар экан. Самовий қувват билан таъсир этиб, дардлардан, кўз тегиш, назарланишлардан халос этар экан.

— Э, йўқ,— деди хотиним,— аёлнинг қабулига кирмайман.

— Кечикдик, мен 10 сўм пул ҳам тўлаб қўйдим. Мана, тўлов қоғозим,— дедим унинг рад қилишига жавобан.

Навбатда бир неча киши кутиб ўтирарди: набирасини олиб келган кампир, ўрта ёшлардаги аёл, 30 ёшлардаги эркак. Бизнинг кетимиздан 26—27 ёшлардаги қиз, унинг орқасидан яна 3 аёл навбатга туришди. «Соат нечагача қабул қилар экан?», — сўради келган киши. «Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 14 гача»,— жавоб берди навбатдагилардан кимдир.

Якка-якка ҳолда ҳам, гуруҳлар билан ҳам муолажа ўтказиладиган хона маҳлис ва кенгашлар қилишга мўлжалланган. Раиса Нўъмонова аввал бизни текшириб кўрди (биомайдонни аниқлади) ва умумий экстрасенсорика муолажаси қилди. Кейин ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида шуғулланди. Янги ва янги одамлар навбатга келиб туришар, муолажага ўн мартагача қатнаган одамлар ҳам бор эди (масалан, ўт пуфагида тоши бор ва бошқа касалликларга чалинган). Кимни кузатмайин, кўрмайин муолажалар уларга енгиллик берарди. Минг шукурки, менинг хотиним ҳам дори ичиб танасини заҳарлашни бас қилганди. Унинг касали ҳуружлари йўқолди. Шу сабабли Раиса Нуъмонова билан танишганимиздан бутун оиламиз жуда хурсанд».

Бу шифокорни «экзорцист — магнитизёр» деб аташар экан.

Экзорцизм — ўрганилмаган фан. У ўзига хос дуохонлик бўлиб, киши танасини нопок кучлардан тозалаб, унга соғлом космик қувват юборади ва инсоннинг руҳий ҳаётига таъсир қилади. Моддий дунёда руҳий олам кўпчиликка кўринмайди. Лекин айрим одамлар учун эса бу реал мавжуддир.

Космик қувват билан таъсир қилиш танадаги биомайдонни тиклайди, бу ҳол кўп касалликлардан, ҳатто юқумли дардлардан ҳам фориғ бўлишга олиб келади. Раиса Нуъмонова самовий қувват ҳислати бўлган экзорцист-экстрасенсдир.

Бу мен тўқиган гап эмас. Буни турли илмий муассасалар тасдиқлаб беришган. Бу хусусда бир қанча расмий ҳужжатлари ҳам бор. Халқаро тажриба парапсихология маркази томонидан 1991 йил декабрда унинг номига берилган дипломда жумладан шундай ёзилган: «Фан, дин, Шарқ ва Ғарб теософияси аралашган элементлар бўйича даволаш усуллари, олий ўзини-ўзи бошқариш, медитация, тиббий мунажжимлик, руҳий таҳлил (психоанализ), руҳий даволаш ва руҳий созлаш курсини тугатган. Дарс бериш ва даволаш ҳуқуқи бўлган олий даражадаги психолог-консультант малакаси берилди». Унинг тиббиётга, экстрасенсликка доир бошқа кўпгина ҳужжатлари ҳам бор.

Бу шошмасдан, оҳиста гапирувчи, босиқ аёлга ишонувчилар, ихлос ва эътиқод қўйганлар сони кундан-кун ортиб бормоқда. Термизлик Омоновлар оиласи, дардига шифо тополмай юрган Зулайҳо Малишева, ошқозон-ичак касаллиги, бронхитдан қийналган Ш. Соҳибов, ичкиликбозлик, кашандаликни ташлаган неча ўнлаб кишиларнинг дил сўзларини ўқиймиз. Бемор С. И. Кленина кўкрагидаги шиш йўқолганлигини ёзиб шифокордан бир умр миннатдорлигини айтади ва Термизга яна келинг, деб илтимос қилади. Баъзилар ҳатто суратларига самовий қувват орқали кўрсатилган таъсир туфайли ташвишлар, айнишлар, кўз тегишлардан халос бўлмоқда.

Қисқаси, унинг ҳузурида бўлганлар, муолажаларини олганлар руҳан енгил тортмоқдалар. Табиий магнетизм ёрдамида асаб системасини тиклаб, ички аъзолар, юрактомирлари, бўғимлар, суяклар, нафас олиш йўлларига самарали таъсир қилинаётганлиги кўпдан-кўп мисолларда кўриниб турибди.

Муҳими ҳам унинг одамларни ана шундай руҳан ва маънан поклаши, ҳар хил тушкунлик ва нопокликлардан халос этиш йўлидаги уринишларидир. Зотан руҳан тетик, бегубор, ҳалол, умидсизликни енгган одамгина ҳар хил бўлмағур дардлардан, ёвуз кучлар, «инс-жинс»лар таъсиридан нари бўлади.

С. МУСАЕВ.

Суратда: Раиса Нуъмонова муолажа ўтказмоқда.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ» НАШРИЁТ МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

ндора китоблари, ҳар хил ён дафтарчалар, китобча ҳолига келтирилган босма иш қоғозлари, конспектлар ёзиш учун дафтарлар ва бошқа қоғоз маҳсулотларини

ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ ВА СОТАДИ

Маҳсулотлар олдиндан ҳақ тўлаш шартларида ва нақд пулга сотилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Ленинград кўчаси, «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг хизмат биноси.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-58-72, 33-50-75, 33-84-78, 33-80-07, 33-90-50.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади.

Буюртма — Г-264. Индекс: 64872. Тиражи 31650. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12